BIZNES DAILY

Экономическая газета

Биржа

Иқтисодий газетаси

www.biznes-daily.uz

#83(2966)
27.10.2022

Қашқадарё вилоятининг ривожи таҳлил қилиниб, келгуси йилги вазифалар белгиланди

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 25 октябрь куни Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, шу йил апрелда халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтган, унда тадбиркорлик ва саноатни ривожлантириш, бу орқали бандликни таъминлаш ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида катта режалар белгилаб олинган эди.

Хусусан, жорий йилда 10 мингта тадбиркорлик субъекти ташкил этиб, уларнинг сонини 80 мингтага етказиш, 9 триллион сўм инвестиция жалб қилиб, 810 та саноат лойиҳаларини амалга ошириш, 430 мингта янги иш ўрни яратиш мақсад қилинган. Қишлоқ хўжалигида 12 минг 500 гектар ерни аҳолига тақсимлаб, 3 миллион 200 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, 11 минг гектар интенсив боғ ва токзор ташкил этиб, мева-сабзавот экспортини 60 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилган. Ижтимоий соҳада 174 та мактаб, боғча ва поликлиника қуриш ҳамда таъмирлаш, 1,5 минг километр ичимлик суви тармоғи тортиш ва 1,8 минг километр ички йўлларни таъмирлаш режалаштирилган.

Йиғилишда Қашқадарё вилояти ҳокими М.Азимов шу борада қилинган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. Ундан келиб чиқиб, йил якунигача ва келгуси йилга мўлжалланган вазифалар муҳокама қилинди.

Биринчи навбатда, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш масаласига эътибор қаратилиб, бу орқали келгуси йил вилоятда 207 мингта иш ўрни яратиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Бунинг учун имкониятлар кўп. Жумладан, соатига 1,5 мингта автомобиль қатновига эга Шаҳрисабз-Китоб йўли бўйида хизмат кўрсатишни ташкил қилиш учун 3 мингта тадбиркорни жалб этса бўлади. Шаҳрисабзнинг Мираки ва Китобнинг Қайнар қишлоқларида туризмни ривожлантириш орқали 10 мингта иш ўрни яратиш имкони бор. Шунингдек, бўш турган бино ва ер участкаларидан самарали фойдаланиш зарур.

Вилоятда катта салоҳиятга эга яна бир соҳа – саноат. Бу йўналишда 960 та лойиҳани амалга ошириб, 20 минг нафар аҳолини банд қилиш мумкинлиги таъкидланди.

Хусусан, 22 та норуда конни ўзлаштириб, талаб юқори бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш имкони бор. Кимё, нефть-газ, энергетика тизимидаги йирик корхоналар билан саноат кооперациясини йўлга қўйиб, 65 та маҳаллийлаштириш лойиҳасини амалга ошириш лозим. Кластерлар томонидан таклиф этилган 12 та лойиҳа пахтани чуқур қайта ишлаш даражасини оширади.

Учинчи муҳим йўналиш – қишлоқ хўжалиги. Жумладан, 18 минг гектар майдонда сув таъминотини яхшилаб, қўшимча 90 миллиард сўмлик маҳсулот етиштириш, 66 минг гектарда сув тежовчи технологияларни жорий қилиб, 300 миллион куб метр сувни иқтисод қилиш, 10 минг гектар пахта ва ғалла майдонини қисқартириш ҳисобига 32 минг оила бандлигини таъминлаш мумкин. Умуман, имкониятлардан тўғри фойдаланилса, бу соҳада 295 минг нафар аҳоли ишли бўлади.

Йиғилишда ижтимоий масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, Қашқадарёда марказлашган тоза ичимлик суви таъминотини келгуси йилда 60 фоизга етказиш, 6 минг километр ички йўллар ва кўприкларни таъмирлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Маҳаллаларда мактабгача таълим муассасаси ва поликлиникалар қуриш, уй-жойга муҳтож аҳолининг шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари белгиланди.

– Инсон қадри, деган тамойил асосида ишлаб, ҳамма нарсани халқнинг муаммоларидан келиб чиқиб амалга оширамиз, – деди Шавкат Мирзиёев. – Инвестиция дастурида маҳалланинг улуши бўлиши керак. Буни халқ билан маслаҳатлашиб, ҳокимлар таклиф беради, маҳаллий кенгашлар бажарилишини назорат қилади. Охирги беш йилда кўп жойларда саноат ривожланди. Энди инвестицияни энг оғир маҳаллаларга йўналтириш, уларни яхшилаш керак.

Йиғилишда вилоят ва туман ҳокимлари қайси маҳаллаларда ишсизлик кўпу қайсиларида инфратузилма муаммоси борлиги, қандай тажрибаларни оммалаштириш зарурлиги ҳақида таклифларини билдирди.

Улар асосида Қашқадарёда тадбиркорликни ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳал этиш учун 2023 йилда республика бюджетида 685 миллиард сўм назарда тутилиши таъкидланди.

Шунингдек, “Ташаббусли бюджет” доирасида вилоят маҳаллаларига 135 миллиард сўм, яна 670 та лойиҳани амалга оширишга қўшимча 265 миллиард сўм ажратилиши айтилди.

Бундан ташқари, 2023 ва 2024 йилларда ичимлик суви ва автомобиль йўллари лойиҳаларига қўшимча 410 миллион доллар жалб қилиш бўйича топшириқ берилди.

Йил якунигача, шу тартибда, барча вилоят ҳокимлари ҳисоботи кўриб чиқилиши, келгуси йилги инвестиция дастури шу асосида шакллантирилиши белгиланди.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ: ИЖРОНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР

2

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3

КРЕПНУЩИЕ ОСНОВЫ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ

7

ТОРГОВО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО РАСШИРЯЕТСЯ

8

Курс валют на 27.10.2022

USD	11155.12
EUR	11184.12
RUB	181.46
CNY	1554.03

#83(2966)
27.10.2022
BIZNES DAILY Биржа

Давлат дастури: ижрони таъминлаш бўйича таклифлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида жорий "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"ига оид Давлат дастурининг тўққиз ойлик якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи эшитилди.

Бу ҳақда Бош вазирнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж. Қўчқоров ахборот берди. Тақдим этилган маълумотга кўра, давлат дастурининг жами 607 та яхлит ва кичик бандларида назарда тутилган топшириқлардан 337 тасининг ижро муддати шу йилнинг февраль-сентябрь ойлари этиб белгиланган. Шундан 233 та банд ва кичик бандлар тўлиқ бажарилган, 16 тасининг ижро муддати узайтирилган, қолган бандлар бўйича ишлаб чиқилган тегишли ҳужжат лойиҳалари кўриб чиқилмоқда.

Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг тўққиз ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,8 фоизни ташкил этган. Жорий йилги давлат бюджетидан 83,3 трлн. сўм маблағ ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, ушбу харажатлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 24,7 фоизга ошган. Мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишни таъминлаш масаласи бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан бири эканлиги ҳисобга олиниб, бу масалага алоҳида эътибор қаратилган, чунончи, ҳисобот даврида 11 млрд. долларлик товар ва хизматлар экспорт қилинган. Ташқи бозор ва халқаро талабларга жавоб берадиган стандартларни жорий этиш ва машҳур брендларни жалб қилиш мақсадида 38 та корхонада "OEKO-tex", 11 та корхонада "Sedex", 5 та корхонада "BSCI", 2 та корхонада "GOTS" ва 170 дан ортиқ корхонада "ISO (9001, 14001, 45001)" халқаро стандартлари йўлга қўйилган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ҳар бир ҳудуд учун тузилган алоҳида "йўл харита"лари асосида 1,9 млн. нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган, 267 мингта лойиҳага 6,4 трлн. сўм имтиёзли кредит ва 35 мингдан ортиқ ишсизларга 112 млрд. сўм субсидиялар ажратилган. Тиббий хизмат сифатини

ошириш мақсадида 81 та оилавий шифокор пункти, 25 та оилавий поликлиника ҳамда 1 002 та маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилиб, 3,5 млн. аҳолига бирламчи тиббий хизмат янада яқинлаштирилган. Ҳудудларда бирламчи тиббий хизматнинг "бир қадам" тамойили асосида 19,5 мингта кундузги шифо ўринлари ташкил қилиниб, уларда 740 минг нафар бемор ўз яшаш жойида бирламчи тиббий-санитария хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган.

2022-2023 йиллар учун мўлжалланган манзилли рўйхатга асосан реновация ва реконструкция қилиниши лозим бўлган жами 268 та кўп квартирали уйдан 49 таси реновация ва реконструкция қилиниб, шаҳар ва туманларда эскирган уйлар ўрнига замонавий уй-жойлар барпо этилган, 540 дан зиёд оиланинг турмуш шароити яхшиланишига эришилган.

Парламентга тақдим этилган ҳисобот қизғин савол-жавоблар асосида атрофлича муҳокама қилинди. Хусусан, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Н.Жумаев Молия вазирлиги томонидан эҳтиёжманд аҳоли учун моддий ёрдам кўрсатиш бўйича ишлаб чиқилган аниқ режа ҳамда бу масала бўйича амалга оширилаётган ишлар билан боғлиқ саволни ўртага ташлади. Молия вазири Т.Ишметов унга жавобан эҳтиёжманд аҳолини нафақа билан таъминлаш қамрови кескин ошганини, бу борадаги мезонлар такомиллаштирилаётганини таъкидлади.

"Миллий тикланиш" ДП фракцияси аъзоси К.Тожиев мактаблардаги мавжуд ошхоналарни хатловдан ўтказиш, уларни таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолати билан қизиқди. Ушбу саволга Халқ таълими вазири Б. Саидов жавоб берар экан, мазкур хатлов ўтказилгани ҳамда бу жараёнда аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилганини маълум қилди.

ЎзХДП фракцияси аъзоси Қ.Қосимова ҳудудларда 105 та оилавий шифокор пунктини ташкил этиш, перинатал марказларни реконструкция қилиш, қуриш, таъмирлаш ишлари маҳаллий ҳокимликларга юклатилганлиги, вазифалар қандай бажарилаётгани бўйича саволни кўтарди. Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Иноятов бу масалага аниқлик киритиб, дастур доирасида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, перинатал марказларни реконструкция қилиш ҳамда мутахассислар малакасини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди. Шунингдек, ушбу масала юзасидан Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров ҳам қўшимча қилиб, 10 кун муддатда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилишини билдирди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси Р.Бегматов сув захираларидан унумли фойдаланиш борасидаги ишлар ҳақида савол берди. Бу саволга ҳам Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров жавоб берар экан, тез орада ер ости сувларини оқилона ишлатиш, соҳадаги камчиликларни бартараф этишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишини айтиб ўтди.

Муҳокамалар давомида депутатлар давлат дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ижросини таъминлашга доир ижобий ишларни эътироф этган ҳолда, айрим бандларнинг бажарилиши кечикаётганини танқид остига олишди.

Мажлисда давлат дастурининг ҳар бир бандида халқимиз турмуш шароитини яхшилаш, ишсизлик даражасини қисқартириш ва тадбиркорлар сафини кенгайтиришдек муҳим мақсадлар тургани таъкидланиб, уларнинг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор таклифлар берилди.

Ойдин ЛАТИПОВА.

Бизнес ҳимоясини таъминлаш – муҳим масала

Маълумки, ҳар қандай инвестор бирор мамлакатга сармоя киритмоқчи ёки шу ерда фаолият кўрсатмоқчи бўлса, энг аввало, ўз бизнеси қанчалик ҳимоя қилинишига эътибор қаратади. Бунда анъанавий, яъни, давлат судларидан ташқари ҳакамлик судларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган таърифга кўра, ҳакамлик суди фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида пайдо бўладиган иқтисодий низоларини ҳал этувчи нодавлат орган ҳисобланади. Хўш, бундай фаолият мамлакатимизда қандай йўлга қўйилган ва қай тарзда ривожланмоқда? Савдо-саноат палатаси раисининг биринчи ўринбосари Ислом Жасимов ҳамда Конрад Аденауэр номли жамғарманинг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси тадқиқотчиси Азиз Татибаев сўнгги йилларда мамлакатимиз суд тизимида бўлаётган ўзгаришлар, шу жумладан, ҳакамлик судининг ўзига хос ролини таъкидлаб ўтишди.

Савдо-саноат палатаси ҳузурида ташкил этилган ҳакамлик суди раиси Шерзод Сатторовнинг маълумот беришича, ушбу тузилма "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги қонунлар талабларини бажариш ҳамда тадбиркорликнинг ривожланиши учун мўътадил иқлимни яратиш, ишбилармонларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2007 йилда ўз ишини бошлаган. Қонунчиликка мувофиқ, ҳакамлик суди бир қатор афзалликларга эга. Яъни, бунда низо тезкорлик билан соддалаштирилган тартибда, битта инстанцияда кўриб чиқилади. Ҳакамлик муҳокамаси тежамкорлиги билан ажралиб туради, яъни,

ушбу судда бошқа инстанциялар мавжуд эмаслиги сабабли ҳакамлик йиғими бир марта тўланади. Бундай нодавлат судларга тўланадиган ҳакамлик йиғими давлат божига нисбатан 50 фоизга камлиги мурожаат қилувчилар учун қулайлик яратади. Бундан ташқари, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори узил-кесил ҳисобланиб, у қабул қилинган пайтдан эътиборан дарҳол кучга киради ва ваколатли судлар томонидан мазмунан қайта кўриб чиқилмайди. Шунингдек, ҳакамлик муҳокамаси махфийлик тамойилиги асосланган, яъни, махфийлик мазкур суд фаолиятининг қонунда белгиланган асосий принципларидан бири бўлиб, муҳокама маълумотлари ошкор этилмайди. Шу билан бирга ҳал қилув қарори мажбурий ижро этилади, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ихтиёрий ижро этилмаган ҳолларда, ваколатли судларнинг қарорлари ижро этилиши учун ўрнатилган тартибда мажбурий ижро этилиши қонун билан кафолатланган.

Ҳозир палата тизимида, унинг ҳудудий бошқармалар ҳузурида 14 та ҳакамлик суди фаолият кўрсатмоқда. Ҳакамлик судлари ишларни кўришда палата ва унинг ҳудудий бошқармаларидан мустақилдир ва 168 нафар малакали мутахассис ҳакамлик судьялари рўйхатига киритилган. Улар томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойида умумий суммаси 3,6 трлн. сўм бўлган 3 152 та иш кўрилган, шундан 3 053 таси ҳудудий ҳакамлик судларида, 99 таси республика ҳакамлик судида (умумий суммаси 159,7 млрд. сўм) кўриб чиқилган. Айрим ҳудудларда тадбиркорлар низоларни ҳал этишда кўпроқ ҳакамлик судларига ишонч билдираётгани кузатилган. Хусусан, 9 ойда ҳудудий бошқармалар ҳузуридаги ҳакамлик судларидан Самарқанд вилоятида 787 та (умумий суммаси 23,8 млрд. сўм), Хоразм вилоятида 558 та (умумий суммаси 46,7 млрд. сўм), Бухоро вилоятида 380 та (умумий суммаси 104 млрд. сўм), Наманган вилоятида 228 та (умумий суммаси 24,7 млрд. сўм), Қашқадарё вилоятида 217 та (умумий суммаси 2,6 млрд. сўм) иш кўрилган. Аммо, баъзи вилоятлар бу борада оқсаётгани аниқланган. Жумладан, ушбу кўрсаткичлар Тошкент вилоятида 31 тани, Сурхондарё вилоятида 61 тани, Андижон вилоятида 68 тани, Навоий вилоятида 73 тани ташкил этган холос.

Очиқ мулоқот шаклида ўтган тадбирда ҳакамлик муҳокамасини тартибга солувчи қонунчиликнинг ҳуқуқий ҳолати, ҳакамлик судларининг ваколатли судлар билан ўзаро муносабатлари, Ўзбекистондаги ва хориждаги ҳакамлик судлари қарорларини тан олиш ва ижро этиш масалалари шунингдек, ҳакамлик судлари фаолиятини учинчи шахслар томонидан молиялаштириш мавзуларида соҳанинг етакчи мутахассислари томонидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир давомида билдирилган кўплаб мулоҳазалардан бири амалдаги "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги қонуннинг айрим нормалари бугунги кун талабига жавоб бермай қолгани, уни халқаро экспертлар ҳамда маҳаллий бизнес вакиллари бераётган таклифлар орқали такомиллаштириш зарурлиги билан боғлиқ бўлди.

Замира ТОЖИЕВА.

Ўзбекистон ва Япония: ҳамкорликнинг янги йўналишлари

Пойтахтимизда Япониянинг етакчи компаниялари билан шериклик алоқаларини ривожлантиришнинг самарали механизми бўлган иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон қўмиталарининг 16-йиғилиши бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Инвестициялар ва ташқи савдо вазири Жамшид Ходжаев, мамлакатимизнинг бир қатор вазирлик, идора ва тармоқ бирлашмалари раҳбарлари, Япониянинг Иточу корпорацияси маслаҳатчиси, Япония-Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик қўмитаси раиси вазифасини бажарувчиси Цуёши Нишитани, ушбу давлатнинг иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири ўринбосари Хирохиде Хираи, Ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти раиси ва катта ижрочи директори Нобухико Сасаки, етакчи япон компаниялари вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишда берилган маълумотларга кўра, жорий йилнинг 9 ойида ўзаро товар айланмаси 30 фоизга ортган. Айниқса, Япония ташқи савдони ривожлантириш бўйича ташкилоти мамлакатларимиз компаниялари ва тадбиркорлари ўртасидаги савдо алоқалари ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Охирги беш йил ичида юртимизда Япония капитали иштирокидаги субъектлар сони беш бараварга ошган. Шу йилнинг ўзида ушбу давлат компаниялари билан 14 та қўшма корхона тузилган. Япониянинг “Itochu Corporation” ва “Isuzu Motors”" компаниялари ёрдамида юртимиздаги “Самавто” заводининг ишлаб чиқариш қувватлари ортган, “Balcom” компанияси томонидан эса республикамиз кимё саноатига 10 млн. долларлик инвестиция жалб қилинган. Эътироф этилганидек, “Sojitz Corporation” ва “Kyuden International” компанияларининг Сирдарё вилоятида буғ-газ электростанцияси қурилиши бўйича лойиҳада иштирок этишга тайёрлиги қувонарлидир.

Мулоқот чоғида сармоявий ва саноат кооперациясини кенгайтириш истиқболлари ҳам кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, ҳозирги пайтда мавжуд ҳамкорликни нафақат давом эттириш, балки уни барча йўналишларда анча фаоллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, мамлакатларимиз иқтисодиётининг рақобат афзалликлари асосида қўшма корхоналарни ташкил этиш ҳамда юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни учинчи мамлакатга экспортга йўналтириш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистонда рақамлаштириш даражасини 70 фоизга чиқариш, 2026 йилга бориб дастурий маҳсулотлар экспортини 10 баробарга кўтаришни таъминлашда япониялик шериклар кўмаги муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, Япониянинг илмий ишланмалари ва инновацион ноу-хауси билан мамлакатимиз кадрлар салоҳиятининг бирлаштирилиши орқали ҳам бир қатор қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш фойдадан холи бўлмайди. Бундан ташқари, электротехника ва электроника соҳасида ишлаб чиқариш ҳамда экспорт кўламини ошириш режалаштирилган ва бунинг учун халқаро сифат стандартларини жорий этиш, инвесторларга имтиёз ва преференцияларни тақдим қилиш кўзда тутилган. Шу боис тадбир давомида япониялик инвесторлар мазкур йўналишда ҳамда яшил энергетика соҳасини ривожлантириш, мамлакатимиз ҳудудларида қуёш ва шамол электр станциялари қурилиши бўйича тендерларда, жумладан, давлат-хусусий шериклик тамойили асосидаги лойиҳаларда иштирок этишга таклиф қилинди.

Тадбир доирасида бизнес-форум ҳам бўлиб ўтди, унда иштирокчилар B2B va B2G шаклида мулоқот ўтказиш ҳамда ҳамкорликнинг амалий жиҳатларини муҳокама қилиш имкониятига эга бўлдилар. Учрашув якунлари бўйича баённома ва эришилган келишувларни акс эттирувчи икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Замира ТОЖИЕВА.

Кўчмас мулк бозорида ўзгаришлар

Экспертлар сотувлар пасайишининг асосий сабабини ўқув йилининг бошланиши ва чет эл фуқароларининг сезиларли оқими туфайли уй-жой ижарасига талабнинг ошиши билан изоҳлайди. Шу билан бирга, иккиламчи уй-жой нархларининг ўртача ўсиши қайд этилмоқда.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази томонидан Ўзбекистон кўчмас мулк бозоридаги талаб ўзгаришлари доимий равишда таҳлил қилинади.

Жорий йил сентябрь ойида Ўзбекистонда рўйхатга олинган кўчмас мулк олди-сотди шартномалари сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19 фоизга (+3,7 минг) ошди. Умуман, йил бошидан бери, уй-жой савдосининг ўсиши 9,7 фоизни (195,7 мингта) ташкил этди.

Энг юқори ўсиш суръатлари Қорақалпоғистон Республикасида – 50 фоиз, Сирдарёда – 42 фоиз, Жиззахда – 39 фоиз ва Наманган вилоятларида – 50 фоиз қайд этилди.

Шу йил август ойига нисбатан кўчмас мулк савдосининг бироз пасайиши кузатилди. Тошкент шаҳрида 1 кв.м. учун ўртача ижара нархи йил бошидан буён 22,4 фоизга ошган. Уй-жой ижараси нархларининг энг юқори ўсиш суръатлари Олмазор – 49 фоиз, Яшнобод – 44 фоиз, Сергели – 34 фоиз ва Шайхонтоҳур туманларида – 33 фоиз қайд этилди. 1 кв.м. учун ижара ҳақининг юқори қиймати Шайхонтоҳур (12,5 доллар), Миробод (10,8 доллар) ва Яккасарой (10,8 доллар) туманларида кузатилди. Нисбатан арзон ижара нархлари Сергели (6,7 доллар) ва Бектемир (4,6 доллар) туманларидадир.

Иккиламчи бозорда нархларнинг ўзгариши

Ҳисоб – китоблар шуни кўрсатадики, сентябрь ойида иккиламчи бозорда уй-жой нархининг ўртача ўсиш суръати ойига 1,1 фоизни ташкил этди (август ойида – 0,5 фоиз, июль ойида – 2,5 фоиз). Наманган – 5,9 фоиз, Жиззах – 4,5 фоиз ва Фарғона вилоятларида – 4,4 фоиз уй-жой нархининг сезиларли ўсиши кузатилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси – 4,3 фоиз, Хоразм – 1,7 фоиз ва Қашқадарё вилоятларида – 0,4 фоизга уй-жой нархи пасайди.

Йил бошидан бери иккиламчи бозорда 1 кв.м. учун ўртача уй-жой нархи 8,9 фоизга ошди.

Тошкент шаҳридаги иккиламчи кўчмас мулк бозоридаги нархларнинг ўсиши 1,7 фоизни ташкил этди (август ойида 1,4 фоиз, июль ойида 2,4 фоиз). Уй-жой нархининг энг катта ўсиши Юнусобод, Яккасарой ва Мирзо Улуғбек туманларида қайд этилди.

Тошкент шаҳрида 9 ой давомида уй-жой савдоси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6 фоизга ўсган. Тошкент вилоятида рўйхатга олинган шартномалар сони 2,4 мингтани ташкил этди.

Даря МИРОШНИКОВА,
Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази мутахассиси.

UZEX ҳафталик дайжести (17-23 октябрь)

Ўтган ҳафта давомида, яъни, 17-23-октябрь кунлари “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси” АЖнинг барча савдо платформаларида 2 677,0 млрд. сўмлик товарлар сотилган бўлиб, бу аввалги ҳафтага нисбатан 8,9 фоизга пастдир. Бунда сотувларнинг 72,9 фоиз биржа савдолари, 1,6 фоиз кўргазма-ярмарка савдолари, 25,3 фоиз электрон давлат харидлари ва 0,2 фоиз авторақамларнинг онлайн-аукционига тўғри келди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъэктлари иштирокида тузилган битимларнинг умумий ҳажми 520,9 млрд. сўмни ташкил қилди. Давлат харидлари тизимларида ўтказилган электрон савдолар натижасида бюджет ва корпоратив буюртмачиларининг қарийб 147,3 млрд. сўмлик маблағлари тежалди.

Кўриб чиқилаётган давр мобайнида онлайн аукцион орқали 2 015 та авторақамлар сотилди, сотилган давлат рақам белгиларининг умумий суммаси 6,2 млрд. сўмни ташкил қилди. Рақобатли савдолар натижасида битимларнинг 2,7 фоизи биринчи тоифадаги авторақамларга, 6,8 фоизи иккинчи, 7,8 фоизи учинчи, 11,6 фоизи тўртинчи, 22,4 фоизи бешинчи ва 48,6 фоизи олтинчи тоифа авторақамларга тегишлидир.

Биржа савдолари

Ушбу даврда очиқ биржа савдолари орқали жами 1 951,6 млрд. сўмлик товар ресурслари сотилди. Сотувчи корхоналар маҳсулотларни тасдиқланган жадвалларга риоя қилган ҳолда биржа савдоларига қўйишди, шу жумладан:

Пахта ёғи

Ўтган ҳафтада биржа савдоларида 1 437,0 тонна пахта ёғи сотилди. Ўтказилган савдоларда ҳар куни ўртача 60 харидор иштирок этди. Ўртача кунлик сотув ҳажмлари 287,0 тоннани ташкил қилди. Барча навли пахта ёғининг кунлик ўртача нархлари маҳсулотнинг бир тоннаси учун 16 157,0 минг сўмдан 15 685,0 минг сўмгача, яъни, 2,9 фоизга пасайганини таъкидлаш лозим.

Цемент

Ҳафта мобайнида биржа савдоларида 125 643,0 тонна цемент сотилди. Ўртача кунлик сотув ҳажмлари 25,1 минг тоннани ташкил қилди. Цементнинг барча маркалари бўйича шаклланган кунлик ўртача нархлар маҳсулотнинг бир тоннаси учун 596,0 минг сўмдан 590,0 минг сўмгача пасайди. Ўтказилган савдоларда ҳар куни ўртача 199 харидор иштирок этди.

Полиэтилен

Биржа савдоларига ушбу ҳафтада 1 553,0 тонна полиэтилен қўйилди ва улардан барча ҳажми сотилди. Полиэтиленнинг ўртача кунлик сотув ҳажмлари 311,0 тоннани ташкил қилди. Полиэтиленнинг барча маркалари бўйича шаклланган кунлик ўртача нархлар маҳсулотнинг бир тоннаси учун 17 321,0 минг сўмдан 16 456,0 минг сўмгача, яъни, 5,0 фоизга пасайди. Ўтказилган савдоларда ҳар куни ўртача 55 харидор иштирок этди.

“ЎзРТХБ” АЖ PR бўлими.

BIZNES DAILY

Биржа

#83(2966) 27.10.2022

- Биржа савдолари натижалари
- Биржа бюллетенлари
- Котировкалар, листинглар
- Танлов ва тендерлар
- Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг муҳим фактлари
- Банкротлик

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 8 сентябрь кунги ҳал қилув қарорларига мувофиқ **“Al-Husn” ХК** (4-1001-2211/38010) ва **“Tashmosbeton” МЧЖ**лар (4-1001-2211/38011) тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилган. Тугатиш ишларини олиб бориш учун 2-тоифали суд бошқарувчи Аброр Абдужамалович Турғунов тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

Юқоридаги ХК ва МЧЖга тегишли кўчмас мулклари, махсус техникалари ва автотранспорт воситаларини баҳолаш ишларини амалга ошириш учун баҳоловчи ташкилотлардан ва молия-хўжалик фаолиятини аудит текширувидан ўтказиш учун аудитор ташкилотларидан тижорат таклифларни тугатиш бошқарувига тақдим этишлари сўралади.

Таклифлар 15 кун ичида қабул қилинади. **Мурожаат учун:** 33/91-494-07-00.

Кредиторлар диққатига!

Қашқадарё вилояти Қарши туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори ва ажримлари билан қуйидаги қарздор корхоналарга нисбатан тўловга қобилиятсизлиги тўғрисида қарор қабул қилинган:

Т\р	Жавобгар номи	Иш рақами	Қарор чиқарилган кун	Жавобгар СТИР	Кредиторлар йиғилиши куни	Рўйхатга олиш вақти
1	“Behruz Bahromovich” МЧЖ	4-1801-2203/4532	18.10.2022	307036653	29.11.2022	11.00
2	“Nasaf-universal ta’minot” МЧЖ	4-1801-2203/4533	18.10.2022	306189069	29.11.2022	11.00
3	“Mix stroy-a” МЧЖ	4-1801-2203/4534	18.10.2022	307022609	29.11.2022	11.00
4	“Mig premium savdo” МЧЖ	4-1801-2203/4535	18.10.2022	307758657	29.11.2022	11.00
5	“Po’latshoh” МЧЖ	4-1801-2203/4536	18.10.2022	308094391	29.11.2022	11.00

Мазкур ҳал қилув қарорлари ва ажримлари билан корхоналарга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш очилган ва уларни суд бошқарувчиси этиб 2-тоифали суд бошқарувчиси Хамраев Акмал Ражабович тайинланган.

Шу муносабат билан корхоналар кредиторларининг биринчи йиғилиши 2022 йил 29 ноябрь куни соат 11.00 да Қашқадарё вилояти ДСИ биносида бўлиб ўтади.

Йиғилишда қатнашувчилар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари ва қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда солиштириш далолатномаси билан келишлари шарт.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Суд бошқарувчиси ҳисоботи.
2. Кредиторлар реестрини тасдиқлаш.
3. Кредиторлар киритадиган бошқа масалалар.

Банкротлик иши қўзғатилган корхоналарни муҳри ва тамғалари ҳал қилув қарори ва ажрим чиққан кундан бошлаб 10 кун ичида топширилмаса, изсиз йўқолган бўлса бекор қилинган деб ҳисобланади.

Кредиторлар қарздорга бўлган талаблари билан эълон чиққан кундан эътиборан 1 ой давомида тугатиш бошқарувчиси манзилига мурожаат қилишлари мумкин.

Суд бошқарувчиси А.Хамраевнинг манзили: Қарши шаҳри, Хонтепа МФЙ, Буюк ипак йўли кўчаси, 40-уй, **тел.:** 97-556-61-71.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 13.10.2022 йилдаги 4-1001-2211/38009-рақамли ҳал қилув қарорига асосан **“Birjaservisuskuna” МЧЖ** (СТИР 204660650) банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланган, тугатиш бошқарувчиси Рустамқулова Дилафрўз Оқиловна тайинланди.

Жамиятларнинг барча муҳрлари 10 кун ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаса, бекор қилинади. Ушбу жамиятлар фаолияти юзасидан инвентаризация ва аудит текшируви ўтказиш учун мустақил аудитор ташкилотлари ўртасида тендер эълон қилинади. Тендерда қатнашувчилар ўз таклифлари билан эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида тугатиш бошқарувчисига мурожаат этишлари мумкин.

Банкрот жамиятларга нисбатан талаблар бўйича кредиторлар тугатиш бошқарувчисига эълон чиққан кундан эътиборан бир ой давомида 93-406-25-70 телефон рақами орқали мурожаат этишлари мумкин.

Банкрот жамиятларнинг 1-кредиторлар йиғилиши 25.11.2022 йил куни соат 12.00 гача Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 4-а уйда ўтказилади.

Йиғилишга келган кредиторлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат, ишончнома ва солиштирма далолатнома билан қатнашишлари шарт.

“Bro beans” масъулияти чекланган жамияти ҚК таъсисчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2022 йил 25 ноябрь куни соат 11.00 да Самарқанд вилояти Жомбой Назар ҚФЙ жамият биносида ўтказилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. 2021-2022 йил 9 ойлик жамиятнинг молиявий ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Жамият иштирокчиларини улушини воз кечиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш.
3. Жамиятни бошқаришда жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган таъсисчиларни суд тартибда чақириш.
4. Янги таҳрирдаги таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш.
5. Инвестиция мажбуриятларини 2023 йил 1-чоракда тўлиқ охиригача етказиш.
6. Жамият директорини тайинлаш.
7. Жамиятнинг штат жадвалини тасдиқлаш.
8. Бошқа масалалар.

Сурхондарё вилоят Денов туманлараро иқтисодий судининг ажримига асосан, Олтинсой туманидаги **“Diyorbek Kelajak Sari” хусусий корхонаси**га нисбатан кузатув жорий этилган ҳамда мазкур корхона муваққат бошқарувчиси этиб А.Ўнгбоев тайинланган.

Ушбу қарздорларга нисбатан даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 24.11.2022 йил соат 10.00 да, Термиз шаҳри, М.Қошқарий кўчаси, 36-а уйда бўлиб ўтади.

Қарздорларнинг муҳри ва тамғаси собиқ раҳбари ҳамда таъсисчиси томонидан Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасига кўра 3 иш кунида тугатиш бошқарувчисига топширилиши шарт. Топширилмаган тақдирда йўқолган деб эътироф этилиб шу кундан бекор қилинган деб ҳисобланади. Йиғилишда қарздорликни тасдиқловчи ҳужжат ва ишончнома билан қатнашиш шарт.

Маълумот учун телефон: 99-677-11-76.

Иштихон туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 20 сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан Қўшработ туманида рўйхатдан ўтган **“Eagle nails tomorqa xizmat” МЧЖ** ва шу суднинг 2022 йил 17 октябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Иштихон туманида рўйхатдан ўтган **“Flagman stroy pluss” МЧЖ, “Narpay Jasmin texnika” МЧЖ**лар, Пайариқ туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 20 октябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Оқдарё туманида рўйхатдан ўтган **“An Pulat payvandlash ta‘minot” МЧЖ, “Turon baraka ta‘minot xizmati” МЧЖ**лар **банкрот** деб топилган ва тугатиш бошқарувчиси этиб Абдуллаев Шерзод Мустафоевич тайинланган. Кредиторлар талаблари бир ой давомида қабул қилинади. Кредиторлар йиғилиши 2022 йил 28 ноябрь куни соат 11.00 да Самарқанд вилоят ДСБ биносида бўлиб ўтади. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан банкрот, деб эътироф этилган жамиятларнинг фаолиятига оид гувоҳнома ва низомнинг асл нусхалари, юмалоқ муҳр ҳамда бурчак тамға эълон чиққан кундан 10 кун муддат ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда йўқотилган деб эътироф этилиб, бекор қилинган деб ҳисобланади.

Мурожаат учун тел.: 91-541-30-88.

Қарши шаҳридаги **“Eco cluster Qashqadaryo” МЧЖ** ва **“Sevinch mashines servis” ХК**да аниқланган мол-мулкларни баҳолаш ишларини бажариш учун конкурс эълон қилинади. Баҳоловчи ташкилотлар қўшимча маълумот олишлари учун тел.: 90-616-77-33.

Манзил: Қарши шаҳри, А.Темур кўчаси, 43-уй.

Решениями Нукусского межрайонного экономического суда от 21 октября 2022 года нижеуказанные субъекты, расположенные в Тахиташском районе РК, признаны неплатежеспособными и открыто ликвидационное производство: ООО «Erkosh Tegirmon» (ИНН: 308156400) №4-2301-2201/2238; ООО «Kafe Naubaxar» (ИНН: 307015078) №4-2301-2201/2239 и ООО «Trade Central Texas» (ИНН: 308954341) №4-2301-2201/2240. Ликвидационным управляющим назначен Бахтияр Ниетбаевич Алламуратов.

В связи с чем собрание кредиторов состоится в 10-00 3 декабря 2022 г. в здании ГНИ Тахиаташского района.

Повестка дня: отчет ликвидационного управляющего; рассмотрение утверждения реестра кредиторов; рассмотрение заключений, составленных должникам на основании пост. Кабмина РУз от 13.08.2014 г. за №224; рассмотрение утверждения календарных планов и вопросов, связанных с ликвидацией.

В кредиторском собрании должника обязаны участвовать руководители и/или представители кредиторов с полагающимися документами (акты сверки, доверенность).

Также в случае несдачи учредительских документов и круглых печатей, штампов этих субъектов в течение десяти дней, они считаются недействительными.

Требования и заявки от кредиторов, а также от дебиторов принимаются в течение месяца со дня опубликования настоящего объявления по адресу: г.Нукус, ул. Жанабай шаир 46, тел. (97) 789-15-06.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 18.10.2022 йилдаги 4-1001-2211/53491-рақамли ажримига асосан, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Толариқ кўчаси, 286-уйда рўйхатдан ўтган **“Esat impex invest” МЧЖ** (СТИР 300680469)га нисбатан тўловга қобилиятсизлик иши қўзғатилган ва кузатув тамойили жорий этилган, муваққат бошқарувчи этиб Б.Ш. Нуруллаев тайинланган. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Кредиторларнинг йиғилиши 2022 йил 24 ноябрь куни соат 15.00 да Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Хадра мавзеси, 12-а уй манзилида (бинонинг иккинчи қаватида) бўлиб ўтади.

Вакил ишончнома билан катнашиши шарт!

Маълумот учун телефон: 95-788-43-13.

Зангиота туманлараро иқтисодий судининг 13.04.2022 йилдаги 4-1101-2204/390-рақамли ҳал қилув қарорига асосан банкротлиги эътироф этилган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Турсунбоева Дилафруз Набижановна тайинланган.

Зангиота туманлараро иқтисодий судининг 24.10.2022 йилдаги 4-1101-2201/390-рақамли ажримига асосан **“Favorid food trading” МЧЖ** тугатиш бошқарувчиси Д.Турсунбоева вазифасидан озод этилиб, тугатиш бошқарувчиси этиб Мадрахимов Аброржон Алимжанович тайинланди.

Кредиторланинг йиғилиши 2022 йил 28 ноябрь куни соат 14.00 да Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармасининг маъмурий биносида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 79-а -уй. Телефон: 93-443-00-03).

Йиғилиш кун тартиби:

1. Зангиота туманлараро иқтисодий судининг 13.04.2022 йилдаги 4-1101-2204/390-рақамли ҳал қилув қарори ва 24.10.2022 йилдаги ажрими билан таништириш.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тузиш ва тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 август кунги 224-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича тугатиш бошқарувчисининг хулосасини кўриб чиқиш.
4. Бошқа масалалар.

Талаблар 1 ой давомида қабул қилинади. Кредиторларнинг йиғилишида қатнашиш учун ташкилот номидан ваколатли вакил (қарздорликни тасдиқловчи ҳужжат, далолатнома ҳамда ваколатнома билан) қатнашишлари сўралади.

Банкрот жамиятни фаолиятига оид гувоҳнома ва низомининг асл нусхаси, юмалоқ муҳр, бурчак тамғаси эълон чиққан кундан 10 кун муддат ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаса, бекор қилинган деб ҳисобланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор 6 квартал, 2-а уй.

Маълумот учун 93-443-00-03 телефони орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Хўжаобод туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 21 октябрь кунги ҳал қилув қарорларига асосан қуйида номлари келтирилган 6 дона корхона ва ташкилот соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилган тугатишга доир иш юритиш белгиланган, тугатиш бошқарувчиси этиб 3-тоифали суд бошқарувчиси Саттибоев Бахромжон Балтабаевич тайинланган.

Хўжаобод туманида жойлашган “Golden Razmarin” МЧЖ (СТИР 307030599) (4-1706-2201/875), “Xodjaabad ice room” МЧЖ (СТИР 304036347) (4-1706-2201/876), “Xojaobod avtoshox” МЧЖ (СТИР 306710124) (4-1706-2201/877), “Golden rooster family” МЧЖ (СТИР 307512662) (4-1706-2201/878), “Ulkan stroy invest qurilish” МЧЖ (СТИР 306360141) (4-1706-2201/879), “Vodiy avtoxamkor-trans” МЧЖ (СТИР 306755345) (4-1706-2201/880).

Шу муносабат билан корхоналарнинг кредиторлар биринчи йиғилиши 2022 йил 28 ноябрь куни соат 11.00 да Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани, Жалақудуқ шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 62-уй манзилида ўтказилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Хўжаобод туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тузиш ва тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 август кунги 224-сонли Қарори ижросини таъминлаш бўйича тугатиш бошқарувчисининг хулосасини тасдиқлаш.
4. Бошқа масалалар.

Қарздорга нисбатан ҳақдор ёки қарздор корхона, ташкилот ва бошқа субъектларнинг вакиллари ваколатнома асосида солиштирма далолатнома билан йиғилишда қатнашишлари сўралади. Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Суднинг ҳал қилув қарорига асосан тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилган корхоналарнинг фаолиятига оид гувоҳнома ва низомининг асл нусхалари, думалоқ муҳр ҳамда бурчак тамға эълон чиққан кундан 10 кун муддат ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда йўқолган деб эътироф этилиб, бекор қилинган деб ҳисобланади.

Манзил: Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани, Жалақудуқ шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 62-уй.

Маълумот учун: 91-606-23-68 телефони орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Решением Ташкентского межрайонного экономического суда от 3 октября 2022 года по делу №4-1001-2227/22337 **ООО «Lotus textile»** (ИНН 303 496 195) признано банкротом и в отношении данного предприятия введена процедура ликвидационного производства.

В связи с производственной необходимостью объявляется тендер на проведение аудиторской проверки, инвентаризации имущества, оценки имущества.

Коммерческие предложения отправлять не позднее 9 ноября на электронную почту: yrist.tlz@mail.ru

Қарши туманлараро иқтисодий судининг 4-1801-2204/4918, 4-1801-2204/4919, 4-1801-2204/4920, 4-1801-2204/4921-рақамли иши бўйича 17.10.2022 йилдаги ажрими билан Қарши шаҳридаги **“Хўжагузар Реал Савдо” МЧЖ** (СТИР 205345115), **“Big agro export” МЧЖ** (СТИР 304451994), **“Омад” МЧЖ** (СТИР 200670396), **“Temur-Elxon” ХК** (СТИР 205801189)га нисбатан “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида” иш қўзғатилиб кузатув таомили жорий қилинган. Иш 2022 йил 23 ноябрь куни соат 10.00 да Қарши туманлараро иқтисодий суди биносида суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинланган. Элбек Ғаниевич Набиев муваққат бошқарувчиси этиб тайинланган. Кредиторлар йиғилиши 2022 йил 18 ноябрь куни соат 11.00 да вилоят солиқ бошқармаси биносида ўтказилади. **Тел.:** 90-616-77-33.

Андижон туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 17 октябрь кунги ҳал қилув қарорларига мувофиқ қуйида номлари келтирилган корхоналар соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилиб, тугатиш ишларини олиб бориш учун 4-тоифали суд бошқарувчиси М.Насирдинов тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

“Mall in city center” МЧЖ (СТИР 307830061, 4-1701-2202/4252), **“Shaikh 777” МЧЖ** (СТИР 308067923, 4-1701-2202/4253), **“Light Asia” МЧЖ** (СТИР 306162214, 4-1701-2202/4254), **“Antitello” МЧЖ** (СТИР 307971425, 4-1701-2202/4255), **“Birja service excellent” МЧЖ** (СТИР 307956846, 4-1701-2202/4256), **“Evrostroy 2020” МЧЖ** (СТИР 306769913, 4-1701-2202/4257), **“Yasmina silver 2020” МЧЖ** (СТИР 307550750, 4-1701-2202/4258), **“Ulkan savdo qurilish invest” МЧЖ** (СТИР 303912706, 4-1701-2202/4259), **“Exclusiv building finance” МЧЖ** (СТИР 306560193, 4-1701-2202/4260).

Юқоридаги ташкилотлар кредиторларининг биринчи йиғилиши 2022 йил 21 ноябрь куни соат 11.00 да Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳкўчаси, 33-уйда ўтказилади. Маълумот учун: 97-324-50-50.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Андижон туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тузиш ва тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 август кунги 224-сонли Қарори ижросини таъминлаш бўйича тугатиш бошқарувчисининг хулосасини тасдиқлаш.
4. Бошқа масалалар.

Талаблар 1 ой давомида қабул қилинади. Кредиторлардан йиғилишда қатнашишлик учун ташкилот номидан ваколатли вакил (қарздорликни тасдиқловчи ҳужжат – солиштирма далолатнома ҳамда ваколатнома билан) қатнашишлари сўралади.

Банкрот ташкилотларнинг фаолиятига оид гувоҳнома, низом, думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари бекор қилинган деб ҳисобланасин.

Сирдарё вилояти иқтисодий ишлар бўйича судининг 2022 йил 21 октябрдаги 4-12-2105/16-рақамли иш ажримига кўра Б.Усманов **“Modern lift systems” МЧЖ** тугатиш бошқарувчиси вазифасидан озод этилган. “Modern lift systems” МЧЖ тугатиш бошқарувчиси этиб Шараев Улуғбек Алишерович тайинланган. **Тел.:** 99-402-77-62.

Хўжаобод туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 21 октябрь кунги ҳал қилув қарорларига асосан қуйида номлари келтирилган 7 дона корхона ва ташкилот соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилган тугатишга доир иш юритиш белгиланган, тугатиш бошқарувчиси этиб 3-тоифали суд бошқарувчиси Жалалов Сухрабжон Комилович тайинланган.

Хўжаобод туманида жойлашган “Mustaxkam Javoxiri” ФХ (СТИР 300089291) (4-1706-2201/868), “Oybekovlar oila barakasi” МЧЖ (СТИР 307284385) (4-1706-2201/869), “Yagona binokor qurilish” МЧЖ (СТИР 303104849) (4-1706-2201/870), “Масхалиддинхон” ХК (СТИР 200296473) (4-1706-2201/871), “Muhammed Umar eczane” МЧЖ (СТИР 308190850) (4-1706-2201/872), “Xojaobod milliy taraqqiyot nuri” ФХ (СТИР 302446029) (4-1706-2201/873), “Xoshimjon fayzli yerlari” ФХ (СТИР 303166416) (4-1706-2201/874).

Шу муносабат билан корхоналарнинг кредиторлар биринчи йиғилиши 2022 йил 28 ноябрь куни соат 11.00 да Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани, Жалақудуқ шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 62-уй манзилида ўтказилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Хўжаобод туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тузиш ва тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 август кунги 224-сонли Қарори ижросини таъминлаш бўйича тугатиш бошқарувчисининг хулосасини тасдиқлаш.
4. Бошқа масалалар.

Қарздорга нисбатан хақдор ёки қарздор корхона, ташкилот ва бошқа субъектларнинг вакиллари ваколатнома асосида солиштирма далолатнома билан йиғилишда қатнашишлари сўралади. Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Суднинг ҳал қилув қарорига асосан тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилган корхоналарнинг фаолиятига оид гувоҳнома ва низомининг асл нусхалари, думалоқ муҳр ҳамда бурчак тамға эълон чиқан кундан 10 кун муддат ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда йўқолган деб эътироф этилиб, бекор қилинган деб ҳисобланади.

Манзил: Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани, Жалақудуқ шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 62-уй.

Маълумот учун 97-273-03-55 телефони орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Бўстон туманлараро иқтисодий судининг 19.10.2022 йил кунги 4-1704-2201/1269, 4-1704-2201/1270, 4-1704-2201/1271, 4-1704-2201/1272, 4-1704-2201/1273, 4-1704-2201/1274, 4-1704-2201/1275, 4-1704-2201/1276 ва 4-1704-2201/1277-рақамли ҳал қилув қарорлари билан Баликчи туман “Oltin Ip Tex” МЧЖ, “Davron Ali Muxammad” МЧЖ, “Ikki do`st fayz” МЧЖ, “Zeboxon Zumrad bog‘ ziyosi” ФХ, “Ismoiljon Market 555” МЧЖ, “Ozodbek Lyuks Standard” МЧЖ, “Саховат наслли чорваси 777” МЧЖ, “Мустанг транс инвест 2020” МЧЖ ва “Илхомжон савдо маркази” МЧЖлар соддалаштирилган тартибда банкрот деб эътироф этилган. Тугатиш бошқарувчиси этиб IV-тоифали суд бошқарувчиси Н.А. Каримов тайинланди. Мазкур хўжалик юритувчи субъектлар муҳр, штамп, таъсис ҳужжатлари ва гувоҳномалари 10 кун ичида тугатиш бошқарувчисига ёки ИИБга топширилмаса йўқолган деб топилиб, ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ҳамда бекор қилинади.

Банкрот корхоналар кредиторларининг биринчи йиғилиши Андижон шаҳри, А. Фитрат кўчаси, 214/а-уйда 2022 йил 28 ноябрь куни соат 10.00 да ўтказилади. Рўйхатга олиш 9.30 да тўхтатилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботи, кредиторлар реестрини тасдиқлаш ва бошқа ташкилий масалалар.

Барча ҳақдор ва қарздор хўжалик юритувчи субъектлар солиштирма далолатнома (асословчи ҳужжатлар) билан ваколатнома асосида кредиторлар йиғилишида қатнашишлари сўралади.

Қарздорларга нисбатан талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 1 (бир) ой давомида юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Маълумот учун телефон: 99-982-38-72.

Янгиқўрғон туманлараро иқтисодий судининг 18.10.2022 йилдаги 4-1604-2202/2702-рақамли “Paxprotech” МЧЖ (СТИР 309174860) ва 4-1604-2202/2703-рақамли “Pool-tech pro” МЧЖ (СТИР 309010660) ҳамда Наманган туманлараро иқтисодий судининг 19.10.2022 йилдаги 4-1601-2202/5286-рақамли “OI Imron holding” МЧЖ (СТИР 305728917) ҳал қилув қарори билан тўловга қобилиятсиз деб топилиб, тугатишга доир иш очилганлиги ҳамда тугатиш бошқарувчиси этиб Ш.Жалалов тайинланганлиги, шунингдек, Наманган туманлараро иқтисодий судининг 19.10.2022 йилдаги 4-1601-2201/5667-рақамли ажрими билан “Сардорбек” МЧЖ (СТИР 203591611)га нисбатан кузатув таомили жорий этилганлиги ва суднинг ажрими билан муваққат бошқарувчиси этиб суд бошқарувчиси Ш.Жалалов тайинланганлиги маълум қилинади.

Кредиторларнинг талаблари эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ойлик муддатда Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 72-уйда тугатиш бошқарувчиси томонидан қабул қилинади. **Тел.:** 91-343-60-00.

Шунингдек, **“Bo`ston fayzli hosili”** (СТИР 303868468) **ФХ** ва юқорида номи келтирилган тўловга қобилиятсиз жамиятларнинг думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамғалари бекор қилинганлиги билдирилади.

